

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЗИЁВИДДИНОВ МУХИДДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ

**ЁШГА БОҒЛИҚ МАКУЛА ДЕГЕНЕРАЦИЯСИНИНГ ЭРТА
ДИАГНОСТИКАСИДА РАНГ СЕЗГИРЛИГИ ВА КОНТРАСТ
СЕЗГИРЛИГИНИ ЎРГАНИШ УЧУН КОМПЮТЕРЛАШТИРИЛГАН
УСУЛ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.08 – Офталмология
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Зиёвиддинов Мухиддин Камолиддинович

Ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг эрта диагностикасида ранг сезгирлиги ва контраст сезгирлигини ўрганиш учун компьютерлаштирилган усул самарадорлигини баҳолаш 3

Зиёвиддинов Мухиддин Камолиддинович

Оценка эффективности компьютеризированного метода изучения цветовой и контрастной чувствительности в ранней диагностике возрастной макулодистрофии 34

Ziyoviddinov Muxiddin Kamoliddinovich

Assessing the effectiveness of a computerized method for studying color and contrast sensitivity in the early diagnosis of age-related macula degeneration 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 69

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЗИЁВИДИНОВ МУХИДДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ

**ЁШГА БОҒЛИҚ МАКУЛА ДЕГЕНЕРАЦИЯСИННИНГ ЭРТА
ДИАГНОСТИКАСИДА РАНГ СЕЗГИРЛИГИ ВА КОНТРАСТ
СЕЗГИРЛИГИНИ ЎРГАНИШ УЧУН КОМПЮТЕРЛАШТИРИЛГАН
УСУЛ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.08 – Офталмология
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1673 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Азамат Фарҳадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ўнер Гелискен
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Туркия Республикаси)

Закирхўджаев Рустам Асралович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Уфа кўз касалликлари илмий-тадқиқот
институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел: (+99871) 217-49-34, 217-45-63, 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел: (+99871) 217-49-34, 217-45-63, 217-32-28.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М. С. Касимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра бугунги кунда ёшга боғлиқ макула дегенерацияси 65 ёшдан ошган аҳоли орасида кўриш қобилятини пасайишига олиб келадиган етакчи сабаблардан бири бўлиб, касалланиш даражаси меҳнатга лаёқатли ёшда 21% гача ва нафақа ёшида 32% гачани ташкил этади. Қатор олимлар томонидан олинган натижалар асосида «... ёши катталарда кўриш ўткирлигининг пасайиш хавфининг ошиши, тушкунлик ҳолатларини, кундалик фаолиятни бажара олмаслик, узоқ муддатли парваришга муҳтожликни келтириб чиқариб, ёши улғайган сари бу каби ҳолатлар сонининг геометрик прогрессияда ўсишда давом этиши қайд этилган...»¹. Муаммонинг эпидемиологик жиҳати сўнгги ўн йилликда ушбу патологиянинг дунёда сезиларли даражада ўсиши билан боғлиқ бўлиб, касалланишнинг кўпайиши, беморларни даволаш харажатлари ва касаллик натижасида кўриш қобилятини йўқотиши туфайли ногиронлик ҳисобига келиб чиқадиган иқтисодий зарар кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ёшга боғлиқ макула дегенерациясига чалинган беморларга тиббий ёрдам нархини пасайтиришнинг асосий ёндашувларидан бири бу скрининг учун тест тизимларини ишлаб чиқиш заруратини пайдо қилади. Бирламчи профилактика, профилактик даволаш ва диспансер кузатувини ташкиллаштириш, беморларнинг кўриш қобилятини сақлаб қолиш прогнозини яхшилаш, самарали комплекс ташҳисот ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон офталмология соҳасида ёшга боғлиқ макула дегенерацияси касалликларини эрта ташҳислаш ва даволаш сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касалликнинг ривожланиш даражасига юқори аниқликда баҳо берувчи ташҳислаш усулларини ишлаб чиқиш; касалликнинг патогенезини ўрганиш, хусусан, касалликнинг олиб келиши мумкин бўлган асоратларини эрта аниқлаш ва ташҳислаш мезонларини такомиллаштириш; юқори хавф гуруҳига мансуб аҳоли қатламидан потенциал субектларни эрта ва оддий усулларда аниқлаш; касалликнинг кечиш динамикасини бевосита кузатиб боришдан иборат. Ушбу касалликларни даволашда патогенезнинг турли босқичларига таъсир қилиш, ўз-ўзини текшириш имкониятини тақдим этувчи усулларни оммавийлаштириш, даволашнинг самарадорлигини оширувчи комплекс усулларини такомиллаштириш зарур, бу эса касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратларнинг барвақт олди олиш учун янги қулай скрининг текширувларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида офталмологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган кенг қамровли дастурий

¹ Thomas CJ, Mirza RG, Gill MK. Age-Related Macular Degeneration. Med Clin North Am. 2021 May;105(3):473-491. doi: 10.1016/j.mcna.2021.01.003. Epub 2021 Apr 2. PMID: 33926642.

тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шунга кўра, кўриш тизими аъзолари касалликларини камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, хусусан, кўз туби макула соҳаси касалликларини даволашга янги аҳолига ёндашиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасининг бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшга боғлиқ макула дегенерацияси (ЁБМД) ривожланган мамлакатларда марказий кўришнинг сезиларли ва қайтарилмас йўқолишининг асосий сабабидир. Касалликнинг кучайиши натижасида кўриш қобилятини йўқотиш хавфи ҳаёт сифати ва мустақил ишлаш қобилятига катта таъсир кўрсатади. Дунё аҳолисининг қариши билан ЁБМД тарқалиши тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бутун дунё бўйлаб, ЁБМД тарқалиши 2020 йилга келиб тахминан 200 миллион касаллишни қайд қилмоқда ва 2040 йилга келиб қарийб 300 миллионга кўпаяди. ЁБМДнинг кутилаётган глобал юки янги даволаш ва бошқариш парадигмаларининг ривожланишини тезлаштирди. ЁБМД билан оғриган беморларни клиник даволашда ривожланишни секинлаштириш, кўрликни олдини олиш ва баъзи ҳолларда кўришни тиклаш учун сезиларли ютуқларга эришилди. Бироқ, бу инқилобий муолажалар мавжуд бўлса-да, кўп рақиб беморларда кўриш функциясидаги эрта ва нозик ўзгаришларнинг ёмон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

аниқланиши туфайли кўриш қобилиятини қайтариб бўлмайдиган даражада йўқотиш давом этмоқда, бу эса кўзни парвариш қилувчи мутахасисларга кеч тақдим этилишига олиб келади. Маълумки, ЁБМДга эрта аралашув юқори натижаларга олиб келиши мумкин, шунинг учун беморларнинг визуал натижаларини ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун касалликнинг эрта оғирлигини аниқлашнинг сезгир, қулай ва арзон усулларини ўрганишнинг аҳамиятини эътиборсиз қолдириб бўлмайди (Астахов Ю.С., Лисочкина А.Б., Нечипоренко П.А. Нечипоренко П.А., 2010).

Мавжуд маҳаллий адабиётларни пухта таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу муаммонинг эпидемиологик тадқиқот маълумотлари, минтақамизда ЁБМД тарқалиши, касалланиш ва ногиронлик бўйича статистик маълумотлар етарлича эмаслигини кўрсатди (Акопян В.С., Семенова Н.С., Новикова Е.А., 2012). Шундай қилиб, ушбу патология учун офталмологик ёрдамни ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва камайтириш учун тиббий-ижтимоий чоратадбирлар зарурлигини тасдиқлайди. ЁБМД билан оғриган беморларда кўриш қобилияти заифлашиши натижасида юзага келган кўрликни тиклаш, жамиятга мослаштириш, ҳаёт сифати ва психо-эмоционал ҳолатни яхшилаш учун реабилитация дастурлари керакдир.

Кўриниб турибдики бундай маълумотларнинг камлиги ЁБМДнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш бўйича аҳолига офталмологик ёрдамни сифатли ташкил этишга етарлича ва далилларга асосланган ёндашув амалга ошириш кераклигини далолат беради. ЁБМД учун махсус даволаш мавжуд эмаслигини ва ЁБМДни даволашнинг самарадорлиги эрта ташхисга боғлиқлигини ҳисобга олсак, юқори хавfli субъектларни эрта ва оддий аниқлаш, шунингдек, эрта аниқлаш орқали ташкилий ва тиббий профилактика чоралари комплексини такомиллаштириш давлат учун долзарб ва иқтисодий фойдалилиги муҳим аҳамиятга эгаллиги кўринади.

Автоматлаштирилган ва шахсийлаштирилган, шу жумладан ўз-ўзини текшириш даражасида оммавий фойдаланиш мумкин бўлган мобил қурилмаларга асосланган электрон дастурлардан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш ва ўрганишга қаратилган тадқиқотларни излаш ҳам долзарб ҳам асослидир. Бундан кўзланган якуний мақсади ушбу соҳадаги турли даражадаги соғлиқни сақлаш муассасаларида тизимли ишларнинг самарали усулларини яратишдир.

Сўнги йилларда Республикамиз олимлари томонидан бир қанча ишлар олиб борилди. Жумладан, Янгиева Н.Р тадқиқотларида (2013) ЁБМДни комплекс консерватив даволаш самарадорлигини ўрганган ва баҳолаган. Юсупов А.Ф (2018) тадқиқотларида ЁБМДда кўзнинг функционал ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказди, даволаш тактикасини танлашни ишлаб чиқди. Янгиева Н.Р (2021) докторлик ишида ЁБМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш моделини ташкил этишда тизимли ёндашув бўйича тадқиқотлар ўтказди, дастурий таъминот ишлаб чиқди.

Бироқ, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ЁБМДга амбулатор шароитда касалликнинг эрта ва

дастлабки босқичларида ташхислаш бўйича илмий асосланган ташкилий чоратадбирларни такомиллаштириш бўйича тиббий тадқиқотлар олиб борилмаяпти.

Афсуски, мавжуд бўлган маҳаллий адабиётларда Ўзбекистонда ЁБМДнинг эпидемиологик жиҳатларига ҳаволалар йўқ.

Кўрсатилган ҳал қилинмаган муаммоларнинг мавжудлиги ушбу диссертация тадқиқотини ўтказиш учун асос бўлди. Шу билан бирга, биз мавжуд соғлиқни сақлаш тизимидан максимал даражада фойдаланиш ва унга замонавий ахборот ва тиббий технологияларни интеграциялаш, кўришни сақлаш бўйича офталмологик ёрдам вазифаларини шакиллантириш тамойилидан келиб чиқдик.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Офталмопатологияларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш” (2018-2023) мавзуси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ёшга боғлиқ макула дегенерациясини эрта аниқлашда ранг идрок этиш ва контраст сезгирлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган компютерлаштирилган усулнинг ишончлилиги ва диагностик қийматини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг эрта босқичларида тўр пардада юзага келадиган субклиник ўзгаришларни ранг ва контраст сезгирлигига таъсирини инструментал текшириш усуллари (ОКТ, ЭРГ, офталмоскопия) билан баҳолаш;

ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг прогрессияси жараёнида рангни сезиш ва контраст сезгирликдаги бузилишлар ривожланиш динамикаси натижаларини баҳолаш;

ёшга боғлиқ макула дегенерацияси диагностикасининг анъанавий усуллари (Амслер панжара тести, кўриш ўткирлиги, контраст сезувчанлик) билан ишлаб чиқилган усулнинг сезгирлиги ва ўзига хослигини таққослаш таҳлилини ўтказиш;

ишлаб чиқилган компютерлаштирилган усул асосида ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг турли шакллари учун диагностик мезонларни баҳолаш.

Тадқиқотнинг обекти сифатида асосий ва назорат гуруҳига 2021-2022 йилларда “Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази”га мурожат қилган ЁБМД патологияси бўлган 270 та бемор саралаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўриш ўткирлиги, биомикроскопия, рефрактометрия, шунингдек, электроретинография маълумотлари ва оптик когерент томография диагностика ускунаси натижалари олинган, шунингдек мобил курилмаларга дастурий таъминот қўлланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий офталмологик тадқиқот усуллар (визиометрия, биомикроскопия, офталмоскопия), махсус тадқиқот усуллар

(оптик когерент томография, электроретинография, Амслер тести) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ёшга боғлиқ макула дегенерацияси касаллигининг эрта босқичларида тўр пардада юзага келган суб клиник ўзгаришлар маҳаллий электроретинография ва оптик когерент томография текширув усуллари ёрдамида диганостик мезонлар такомиллаштирилган;

илк бор ёшга боғлиқ макула дегенерацияси касаллигининг эрта босқичларида юзага келадиган суб клиник ўзгаришларни визуал кўрсаткичлар орқали ташхислаш усули исботланган;

илк бор ёшга боғлиқ макула дегенерацияси босқичларида ранг идрок этиш ва контраст сезгирлигини баҳоловчи маҳаллий ишлаб чиқилган компютерлаштирилган усулнинг диагностик самарадорлиги аниқланган;

илк бор амбулатор шароитда ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг эрта босқичларини аниқловчи рангли чизикларга асосланган 3D Амслер панжара тести ва контраст сезгирлигини текширувчи дастурий таъминот учун диагностик мезонлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот давомида ЁБМДнинг эрта босқичларида тўр пардадаги суб клиник ўзгаришлар маҳаллий ва мултифокал ЭРГ ҳамда оптик когерент томография текширувлари ёрдамида тўр парда дистрофик соҳаси хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар аниқланган.

ЁБМД нинг эрта босқичларидаги визуал ўзгаришлар, янги ишлаб чиқилган усул ёрдамида амбулатор текширилди ва натижалар клиник инструментал текширувлар билан солиштирилиб самарадорлиги баҳоланган.

ЁБМД эрта босқичларини амбулатор шароитда аниқловчи рангли чизикларга асосланган 3D Амслер панжара тести ва контраст сезгирлигини текширувчи дастурий таъминот учун ташхислаш мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий бир – бирини тўлдирувчи тадқиқот усулларидан фойдаланиш, шунингдек, бирламчи материалнинг етарли ҳажми ва миқдори, текширилган беморларнинг сони, статистик ва аналитик усуллардан фойдаланган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш, шунингдек тадқиқот натижаларини халқаро ва республика анжуманларида муҳокама қилиш, илмий тадқиқот материалларини нуфузли илмий нашрларда нашр этиш, бу тадқиқот натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амбулатор шароитда мобил қурилма дастурий таъминотидан фойдаланиб ЁБМД нинг эрта ва оралиқ шакиллари билан касалланган беморларда ранг идрок этиш ва контраст сезувчанлигини текшириш тадқиқот натижалари асосида касалликни эрта аниқлаш мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти офталмология амалиётида шундан иборатки, ишлаб чиқилган ВР қурилмага асосланган мобил электрон дастур, ЁБМД учун турли визуал ўзгаришларни аниқлаш, қайд қилиб бориш ва ЁБМД нинг бошланиши ҳамда ривожланишининг олдини олиш орқали ЁБМДга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш имконини беради, натижада соғлиқни сақлаш амалиётини автоматлаштириш, давлат маблағлари тежаш ва эрта меҳнатга лаёқатизлик келиб чиқишини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияни эрта ташхислашда ранг ва контраст сезувчанлигини ўрганишнинг визуал ўзгаришлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: илк бор ЁБМД касаллигининг эрта босқичларида тўр пардада юзага келган суб клиник ўзгаришлар маҳаллий электроретинография ва оптик когерент томография текширув усуллари ёрдамида диганостик мезонларнинг такомиллаштириш самарадорлиги биринчи марта ўрганилди. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЁБМД ривожланиш хавфини амбулатор шароитда скрининг қилиш усуллари жорий этиш ёшга боғлиқ макула дегенерацияси натижасида юзага келадиган ногиронлик оқибатлари эҳтимолини камайтирди. Илмий янгиликни жорий этиш: амалий соғлиқни сақлашга, жумладан, Республика офталмология шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмия амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали ва Термиз филиали фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ЁБМД эрта ва оралиқ босқичлари ривожланишини эрта аниқлаш беморларга кўриш қобилиятини ва ҳаёт сифатини сақлаб қоладиган қайтариб бўлмайдиган кўриш ҳолатларини тезда олдини олишга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: ЁБМД эрта ва оралиқ босқичлари ривожланишини амбулатор шароитда эрта аниқлаш ва унинг натижалари асосида ихтисослаштирилган муассасаларда ушбу касалликни ташхислаш, назорат қилиш ва даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиради. ЁБМДни тўлиқ ташхислаш ва кузатиш йилига бир нафар беморга ўртача 600 минг сўмни ташкил қилади. Дори-дармонларни даволаш харажатлари йилига 1,2-1,6 миллион сўм. ЁБМДни эрта аниқлаш учун скрининг усуллари жорий этиш бу харажатларни 40-50 % га камайтириши мумкин. Хулоса: ЁБМД касаллигининг эрта босқичларида тўр пардада юзага келган суб клиник ўзгаришлар маҳаллий электроретинография ва оптик когерент томография текширув усуллари ёрдамида диганостик мезонларнинг прогностик самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, визуал ўзгаришлардаги контраст ва ранг сезувчанлигининг ўзгариши касаллик ривожланишининг макуладаги суб клиник ўзгаришлар хавфи билан боғлиқ ва бу касалликни эрта аниқлаш мезонларидан бири ҳисобланади. Илмий иш натижаларидан фойдаланиш: “Ёшга боғлиқ бўлган макуляр дегенерацияни эрта ташхислашда ранг сезувчанлиги ва контраст сезувчанлигини ўрганишнинг компьютерлаштирилган усули” мавзусидаги илмий иш натижаларини амалга ошириш мақсади бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика

ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий - амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 15 мартаги 8н-р/1-сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: биринчи марта ЁБМД касаллигининг эрта босқичларида юзага келадиган суб клиник ўзгаришларни визуал кўрсаткичлар орқали ташхислаш усули ишлаб чиқилди. Илмий инновациянинг аҳамияти: Ушбу визуал ўзгаришларнинг амбулатор шароитда текшириш усули бизга ЁБМД ривожланишини аниқлаш учун макуладаги субклиник белгилар сифатида уларнинг қиймати ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Илмий янгиликни жорий этиш: амалий соғлиқни сақлашга, жумладан, Республика клиник офталмология шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз ва Бухоро филиали фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ушбу визуал кўрсаткичларнинг касалликнинг эрта босқичларида аҳамиятини билиш бизга макуладаги субклиник ўзгаришлар ривожланиш дианамикасини тахмин қилиш, шунингдек, келажакда касаллик билан курашиш учун ўз вақтида чоралар кўриш имконини беради. Илмий инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: ЁБМД ривожланишида ушбу визуал кўрсаткичларни исботлаш яқин келажакда уларни ўз вақтида таҳлил қилиш ва аниқлаш учун оптимал скрининг тизимни ишлаб чиқиш имконини беради. Кейинчалик бу скрининг тизим давлатга ЁБМД билан оғриган беморларни даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтириш ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш имконини беради. Хулоса: ЁБМД эрта ва оралиқ босқичларида визуал кўрсаткичларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЁБМД билан оғриган беморларда контраст ва ранг сезгирлиги соғлом одамларга қараганда 84% га пасайиши ташкил қилади. Илмий иш натижаларидан фойдаланиш: “Ёшга боғлиқ бўлган макуляр дегенерацияни эрта ташхислашда ранг сезувчанлиги ва контраст сезувчанлигини ўрганишнинг компютерлаштирилган усули” мавзусидаги илмий иш натижаларини амалга ошириш мақсади бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий - амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 15 мартаги 8н-р/1-сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик: ЁБМД да ранг идрок этиш ва контраст сезгирлигини баҳоловчи маҳаллий ишлаб чиқилган компютерлаштирилган усулнинг диагностик самарадорлиги текширилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: олинган натижалар ушбу визуал кўрсаткичларнинг ЁБМД ривожланишида прогностик аҳамиятга эга эканлигини инструментал текширувлар натижаларида тасдиқлади. Илмий янгиликни жорий этиш: амалий соғлиқни сақлашга, жумладан, Республика клиник офталмология шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз ва Бухоро филиали фаолиятига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморларда ЁБМД ривожланиши ва оғирлигини амбулатор шароитда эрта аниқлаш меҳнат қобилиятини ва ҳаёт сифатини сақлаб қоладиган кўришнинг қайтарилмас

йўқолиши ҳолатларини ўз вақтида олдини олишга имкон беради. Илмий инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ЁБМД ривожланишида ушбу визуал кўрсаткичларни исботлаш яқин келажакда уларни ўз вақтида таҳлил қилиш ва аниқлаш учун оптимал скрининг тизимни ишлаб чиқиш имконини беради. Кейинчалик бу скрининг тизим давлатга ЁБМД билан оғриган беморларни даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтириш ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш имконини беради. Хулоса: ЁБМД эрта ва оралиқ босқичларида визуал кўрсаткичлардан визометрия, контраст сезувчанлик ва рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер панжара тестларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЁБМД билан оғриган беморларда соғлом одамларга нисбатан визометрик кўрсаткичлар статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга эмас. Бироқ контраст сезувчанлик ва рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер панжара тестлар натижаларига кўра касалликнинг эрта ва оралиқ босқичларида сезиларси ўзгаришлар кузатилди. ЁБМД босқичларини амбулатор шароитда эрта аниқлаш учун ишлаб чиқилган усул диагностик сезгирлиги, ўзига хослиги ва ишончлилиги бўйича клиник инструментал текшириш усулларида мослиги кузатилди. Илмий иш натижаларидан фойдаланиш: “Ёшга боғлиқ бўлган макуляр дегенерацияни эрта ташхислашда ранг сезувчанлиги ва контраст сезувчанлигини ўрганишнинг компютерлаштирилган усули” мавзусидаги илмий иш натижаларини амалга ошириш мақсади бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий - амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 15 мартаги 8н-р/1-сонли хат юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик: Амбулатор шароитда ЁБМД эрта босқичларини аниқловчи текширувчи дастурий таъминот учун диагностик мезонлар ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЁБМД эрта ва оралиқ босқичларида юзага келадиган визуал ўзгаришлар макуладаги субклиник ўзгаришлар натижаларига мос келди, бунинг натижалари асосида ЁБМД ривожланиш хавфи юқори бўлган беморлар учун хавф мезонлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликни жорий этиш: амалий соғлиқни сақлашга, жумладан, Республика клиник офталмология шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз ва Бухоро филиали фаолиятига жорий этилди. Илмий инновацияларнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бу скрининг тизими мезонлари маълум даражада жамиятда ЁБМД ривожланишини эрта аниқлаш, шунингдек, келажакда касалликка қарши курашиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш имконини беради. Илмий инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича: бу скрининг тизими давлатга ЁБМД билан оғриган беморларни даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтириш ва келажакда ногиронлик ҳолатларини камайтириш имконини беради. ЁБМДни тўлиқ ташхислаш ва кузатиш йилига бир нафар беморга ўртача 600 минг сўмни ташкил қилади. Дори-дармонлар билан даволаш харажатлари йилига 1,2-1,6 миллион сўм ташкил этади. ЁБМДни эрта аниқлаш учун скрининг усуллари жорий этиш

бу харажатларни 40-50 % га камайтириши мумкин. Хулоса: ЁБМД эрта ва оралиқ босқичларида визуал кўрсаткичлардан визометрия, контраст сезувчанлик ва рангли чизикларга асосланган 3D Амслер панжара тестларини таҳлилларига кўра, друзлар жойлашуви ва ҳажмига кўра ЁБМД ривожланиш босқичлари клиник инструментал текшириш усулларига мослиги кузатилди. Бу эса ўз навбатида касалликнинг эрта ва оралиқ босқичида контраст сезувчанликнинг 50-75% гача пасайишини, рангли чизикларга асосланган 3D Амслер панжара тестидаги метаморфопсия, микропсия, скотома каби визуал кўрсаткичларда кўк, яшил ва қора рангларда ўзгаришлар кузтилишини кўрсатди. Илмий иш натижаларидан фойдаланиш: “Ёшга боғлиқ бўлган макуляр дегенерацияни эрта ташхислашда ранг сезувчанлиги ва контраст сезувчанлигини ўрганишнинг компютерлаштирилган усули” мавзусидаги илмий иш натижаларини амалга ошириш мақсади бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий - амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 15 мартаги 8н-р/1-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий–амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 6 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ёшга боғлиқ макула дегенерациясини эрта ташхислашнинг замонавий жихатлари» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда ёшга боғлиқ макула дегенерациясини эрта ташхислашнинг замонавий концепцияси ҳақида долзарб маълумотлар, офталмологияда мавжуд ташхислашни қўллаш омиллари, Амслер тести

ҳамда ВР кўз ойнакларни қўллашнинг ўзига хос афзалликлари, ЁБМДни ташҳислаш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш усуллари батафсил таҳлил этилган. Боб сўнгида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Ёшга боғлиқ макула дегенерацияси мавжуд беморларнинг клиник характеристикаси ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган услублар баён этилган. Илмий ишда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизида 2020-2022-йиллар давомида ЁБМДнинг бошланғич ва оралик босқичлари бўлган 270 нафар беморни (360 та кўз) ўрганиш маълумотлари тақдим этилган.

Барча учала гуруҳдаги беморлар жинси ва ёшига кўра тақсимланди. Гендер тақсимоти 29,2 % (79 нафар) эркаклар ва 70,7 % (191 нафар) аёлларни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши $64,5 \pm 4,35$ ёшни ташкил қилиб, ёш интервали минимал 47 дан максимал 78 ёш кўрсаткичига эга бўлди. Турли тадқиқотлар маълумотларини таҳлил қилиш мустақил равишда амалга оширилди. Тақдим этилган гистограммадан кўриниб турибдики, ЁБМД билан оғриган беморларнинг катта қисми (83,7%) 55 ёшдан 75 ёшгача бўлган, бу патологиянинг юқори ижтимоий аҳамиятини кўрсатади. Беморлар орасида аёлларнинг устунлиги (70,7%), эҳтимол, аёлларда ЁБМД билан касалланишнинг юқори бўлишининг натижасидир.

Тадқиқот икки босқичда амалга оширилди. Бунга кўра биринчи босқичда тадқиқот кесишма асосида бўлиб, унинг давомида ЁБМД нинг морфо-функционал кўрсаткичларини баҳолаш учун беморларда офталмоскопия, оптик когерент томография ва электроретинография каби тадқиқот усуллари ўтказилди (1-расмга қаранг).


Беморлар AREDS таснифи асосида ЁБМД клиник градациясига кўра 3 гуруҳга ажратилиб саралаб олинди. ЁБМД босқичларини градациялашда AREDS (Age-Related Eye Disease Studies, ёшга боғлиқ кўз касалликларини ўрганиш) таснифига асосланди.

1-тоифа AREDS - ЁБМД йўқ - AREDS назорат гуруҳи, кичик друзлар йўқ ёки бир нечта (диаметри < 63 мкм);

2 тоифа AREDS - Эрта ЁБМД - бир нечта кичик друзлар, бир нечта ўрта ўлчамдаги друзлар (63 микрон $<$ диаметр $<$ 125 микрон) ёки тўр парда пигмент эпителийсида ўзгаришлар мавжуд;

3 тоифа AREDS - оралик ЁБМД - кўплаб ўрта ўлчамдаги друзлар, камида битта катта друзлар (диаметри $>$ 125 мкм) ёки фовеадан ташқаридаги географик атрофия мавжуд бўлса;

4-тоифа AREDS - ривожланган ЁБМД - қуйидаги хусусиятлардан бири ёки бир нечтаси билан тавсифланади: ТПЭнинг географик атрофияси, кўзнинг тўр пардаси чуқурчасидаги хориокапилляр қатлами ва неоваскуляр макулопатия; ХНВ; нейроепителий ёки ТПЭнинг сероз ёки геморагик ажралиши; липид қопламалари; субтўр парда ва субпигмент неоваскуляризация; дискоид чандиқ ҳосил бўлиши.



1-расм. Тадқиқот дизайни

Ушбу AREDS классификациясидан фойдаланган ҳолда юқоридаги талабларга жавоб берувчи жами 270 нафар бемор (360 та кўз) танлаб олинди.

AREDS бўйича 1-тоифага мос келган, ЁБМД белгилари бўлмаган, амалий соғлом деб топилган 50 нафар бемор (100 та кўз).

AREDS 2 тоифасига мансуб, ЁБМД эрта белгилари аниқланган 100 нафар бемор (120 та кўз).

AREDS 3 тоифасига мансуб, ЁБМД нинг оралик шакли ташхиси қўйилган 120 нафар бемор (140 та кўз).

Танлов натижаларига кўра иккинчи босқичда асосий тадқиқот гуруҳларидаги беморларга ЁБМДнинг дастлабки, эрта ва оралик босқичлари, янги ишлаб чиқилган ВР қурилма орқали текширилди. ЁБМД босқичларидаги ранг ва контраст сезувчанлик, кўриш ўткирлигидаги ўзгаришлар ва 3D Амслер панжара тестидаги визуал потологик ўзгаришлар баҳоланди.


Назорат гуруҳида ҳам худди шу беморлар анъанавий текшириш усуллари (Амслер тести, Пелли-Робсон тестининг классик версияси, визометрия, офталмоскопия) ёрдамида текширилди. Барча текширувлар беморларнинг онгли розилиги билан 1975 йилдаги Хелсинки декларациясининг ахлоқий стандартларига ва 2000 йилда қайта кўриб чиқилган талқинга мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг якуний босқичида сезувчанлик кўрсаткичлари (Se) асосида ЁБМД ва стандарт махсус тадқиқот усуллари эрта ташхислаш учун ишлаб чиқилган усул самарадорлигининг ўзига хослик (Sp); сезувчанлик қиймати (PPV, NPV); ижобий ва салбий тест натижасининг (PLR ва NLR) эҳтимоллик нисбати ва тестнинг диагностика кўрсаткичи (аниқлик) (Acc) каби параметрларда қиёсий таҳлили ўтказилди.

Умумклиник текширув беморларнинг клиник текшируви касалликнинг шикоятлари ва анамнезини батафсил ўз ичига олган.

Барча беморлар макуладаги субклиник ўзгаришларни баҳолаш учун рефрактометрия (KR-800 (TOPCON, Япония), визиометрия, Пневмотонометрия (Huvitz, Корея Республикаси), биомикроскопия (HS-7000 тирқишли лампаси. Hag-Street, АҚШ), офталмоскопия (78,0 дптрли контаксиз MaxField® High Mag. Ocular, АҚШ), эхобиометрия (VuPad АВ ускунаси. SonomedEscalon, АҚШ), статик (компютер) периметрияси (AP-3000. Tomey, Япония) каби стандарт офталмологик текширувлардан ҳамда махсус офталмологик текширув усулларида Амслер панжараси тестининг анъанавий ҳамда модификацияланган турлари, контраст сезувчанлигини аниқлаш (контрастли оптотиплар жадвали ёрдамида), оптик когерент томографияси (Swept Sorce Triton plus OCT. Topcon, Япония), электроретинографиялар (Электроретинограф. МБН, Россия) ўтказилди.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган “ВР” қурилма ва электрон дастур бир неча қисмдан иборат. Биринчи қисм – бу “ВР” қурилма қисми бўлиб, у махсус конструкция (2-расмларга қаранг) ва кўрсаткичлардан ташкил топган.



А

Б

2-расм. А) Ранг сезувчанлиги ва контраст сезувчанлигини ўрганишнинг компютерлаштирилган дастурий таъминоти ва “ВР” қурилмаси билан биргаликдаги копозицияси; Б) Мобил электрон дастурнинг паспорт қисмининг кўриниши

Синов натижаси сифатида ҳар бир кўз учун контраст сезувчанлик даражаси баҳоланади ва қайд қилиб борилади. Ниҳоят дастур автоматик равишда рангли чизиқлар билан ифодаланувчи Амслер панжараси ёрдамида марказий кўришдаги визуал патологик ўзгаришларни текшириш синовига ўтади. Бу ерда қора, қизил, яшил, кўк ранглар ва уларнинг контрастларида ифодалануви 3D Амслер панжараси ҳар бир кўз учун алоҳида тасвирланади.

Текширилаётган шахс тўр пардасида субклиник ўзгаришлар мавжуд бўлмаса, Амслер панжарасида ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмайди.

Агарда тўр парда макуласида бирор бир субклиник ўзгаришлар мавжуд бўлса, беморда шу соҳада жойлашган фоторецепторлар билан бўғлиқ ўзгаришлар юзага келади. Натижада Амслер панжарасида турли кўринишдаги метоморфопсиялар кузатилади. Ҳар бир синов ЁБМД пайдо бўлиш ва тўр парда макуласида юзага келадиган субклиник ўзгаришларни ифодалашда аҳамиятли ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз томондан ишлаб чиқилган «Makula vision test VR» қурилмаси ва электрон дастури, оммавий фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, ишлатиш учун қулай ҳисобланади. Беморлар текшируви қисқа вақтда амалга оширилади.

Олинган маълумотлар Microsoft Office Excel 2021 иловаси ёрдамида тавсифловчи статистик усуллардан фойдаланган ҳолда статистик ишловдан ўтказилди. Миқдорий кўрсаткичлар тавсифловчи статистик маълумотлар билан қайта ишланди ва ўртача арифметик ва унинг стандарт хатоси ($M \pm m$) сифатида тақдим этилди. Сифатли хусусиятларни тавсифловчи кўрсаткичлар учун мутлақ сон ва нисбий қиймат фоизда (%) кўрсатилган. Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳ ичидаги ўртача фарқларнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стюдент t-критерияси қўлланилган ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «**Ёшга боғлиқ макула дегенерацияси эрта босқичидаги беморларнинг клиник функционал хусусиятларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида беморларнинг бирламчи офталмологик кўрик натижалари баҳоланган.

Кўриш ўткирлиги текширилганда ўртача максимал коррекцияли кўриш ўткирлиги $0,72 \pm 0,11$ ни ташкил қилиб, кўз ички босими ўртача қиймати эса $17,3 \pm 0,17$ мм с.у. тенг бўлди. Авторефрактометрия кўрсаткичи бўйича сферик эквивалентнинг ўртача қиймати $0,75 \pm 0,55$ дптр ни ташкил қилди.

Нур синдириш аномалиялари таснифига кўра тақсимланганда енгил даражадаги гиперметропия – 43%, ўрта даражадаги гиперметропия – 9.7% ташкил этди, ҳамда юқори даражадаги гиперметропияли беморлар кузатилмади.

Кўз олдинги қисм биомикроскопиясида ҳеч қайси беморда патологик жараёнлар кузатилмади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, тадқиқотдаги беморлар гуруҳларга ажратилганда кўриш ўткирлиги ва кўз ички босимига кўра статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмади.

Марказий кўришдаги сезиларсиз нуқсонларга ва китоб ўқиш жараёнида сўзлардаги ҳарфларнинг бироз контрасти пастлигига ҳамда ўқиш ноқулайлигига 190 нафар (86%) нафар бемор шикоят билдиришди. Бунда асосан кўзлардаги шикоят бўйича, ўқиш ва ёзишда қийинчилик (ҳатто кўзойнак билан ҳам) - айниқса кам ёруғлик шароитида 130 (36,1%), объектлар ва уларнинг контурларининг бузилиши (эгрилиги) мавжудлиги (метоморфопсия) ҳисси 50 (13,9%), объектларнинг контрасти ва уларнинг рангидаги бузилишлар ҳисси 195 (54,2%) нафар бемор шикоят қилишди. Ушбу

ҳолатлар натижасида кўриш ўткирлигининг пасайиши безовта қилган беморлар сони эса 180 (50,0%) ни ташкил қилгани маълум бўлди.

Юқоридаги шикоятлар 145 та (72,5%) беморда фақат бир кўзида, қолган 55 та (27,5 %) беморда иккала кўзида ҳам кузатилди. Шикоятларнинг пайдо бўлиш муддатига кўра тадқиқотдаги беморларнинг 50 тасида (18,5%) – 3 йил ичида, 50 тасида (18,5%) – 5 йил ичида секин асталик билан пайдо бўлганлиги маълум бўлди. Қолган 160 нафар (59,3%) беморларда шикоятлар бир неча йилдан бери безовта қилаётгани аниқланди.

ЁБМД нинг дастлабки кўринишлари бўлган беморларда бир нечта кичик қаттиқ друзлар (27,8%), оз миқдордаги ўрта қатталиқдаги друзлар (33,3%), бир неча йирик ва ўрта ҳажмдаги юмшоқ друзлар 38,9% гача аниқланди. Офтальмоскопик текширув натижалари дегенератив жараённинг босқичига тўғри келди.

ОКТ текшируви ўтказилганда барча беморларимизда макулада ўзига хос дистрофик ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, қаттиқ друзлар (кичик ўлчамли 63 мкм гача) 50 нафар бемор 85 кўзда (23.6%), қаттиқ ва юмшоқ дурузли (ўрта ўлчамли 63-125 мкм гача) 100 нафар бемор 115 та кўз (31,9%), бир қанча қаттиқ ва юмшоқ дурузли (йирик ўлчамли 125 мкм дан юқори) 20 бемор 140 та кўз (38.9%) да кузатилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Гуруҳлараро друзлар кўрсаткичларига кўра фарқланиши

Друзлар кўрсаткичи	ОКТ кўрсаткичи	Гуруҳлар (M±δ)		
		AREDS I	AREDS II	AREDS III
Қаттиқ друз (кичик ўлчамли 63 мкм гача)	I ҳалқа	41,02±13,76	44,71±10,75	45,96±16,38
	II ҳалқа	37,5±15,86	38,97±11,83	40,11±12,87
	III ҳалқа	38,5±13,83	39,79±11,54	44,61±13,44#^
Қаттиқ ва юмшоқ друз (ўрта ўлчамли 63-125 мкм гача)	I ҳалқа	88,66±27,27	89,74±18,24	92,11±22,74
	II ҳалқа	84,02±21,26	88,78±14,44	90,03±18,07
	III ҳалқа	91,48±18,82	95,33±13,64	100,17±22,07#
Қаттиқ ва юмшоқ друз (125 мкм дан катта)	I ҳалқа	148,04±10,69	151,83±8,42#	160,53±11,15#^
	II ҳалқа	141,94±10,94	145,23±10,77	153,19±13,74#^
	III ҳалқа	137,16±9,38	142,44±9,96#	149,35±10,6#^

Изоҳ: # - AREDS I гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фарқланиш $p < 0,05$; ^ - AREDS II гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фарқланиш $p < 0,05$.

Гуруҳдан гуруҳга ўтилар экан кичик ўлчамли друзларга нисбатан, AREDS I га нисбатан яққол ишончли статистик фарқланиш I ҳалқада AREDS II ва III да ($p < 0,05$), друзлар ўлчамларининг катталашиб боришида эса илк икки гуруҳга нисбатан AREDS III да парафовеа зонасида кузатилган ($p < 0,05$). AREDS I га нисбатан кичик ҳамда ўрта ўлчамдаги друзлар орасидаги фарқланиш сўнгги икки гуруҳда асосан III ҳалқада рўй бэрган бўлса, 125 микрометрдан катта друзлар кузатилишида AREDS II ва III гуруҳларида $p < 0,05$ га эга статистик қийматга эга бўлган кўрсаткичлар барча ҳалқаларда қайд этилиб яққол устунлик сўнгги гуруҳ беморларида кузатилди.

Кичик ўлчамли друзларнинг гуруҳлар ичида ўзаро нисбати ҳалқалар кетма-кетлигига мос равишда AREDS II ва III да I га нисбатан 1,09/1,12 ($p<0,05$); 1,05/1,09; 1,06/1,18 ($p<0,05$) қийматларига тенг бўлди.

Тадқиқотимизда макула соҳаси оптик когерент томографияси кўрсаткичлари бўйича нормал қийматларга нисбатан касаллик дастлабки, эрта ва оралиқ босқичларидаги субклиник ўзгаришлар уччала гуруҳда нормал кўрсаткичларга нисбатан статистик ишончли фарқланиш ($p<0,05$) фовеа, макуланинг медиал секторининг ташқи қисмида қайд этилди.

Худди шу секторнинг ички қисмида фарқланиш AREDS II ва III ларда қайд этилди. Олинган натижалар ичида бошқа гуруҳларга нисбатан олиб қаралганда кескин фарқланиш AREDS III гуруҳида макуланинг марказий қисмига оид натижаларда кузатилиб ($p<0,05$), ушбу ҳолат катта ўлчамли друзларнинг ҳажми ҳамда сони билан изоҳланиб, тўр парда қаватлари қалинлигининг (RNFL) сунъий равишда кўтарилишига олиб келиши билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ОКТдан фойдаланиш натижалари ЁБМДда фоторецептор қатлами ҳолатидаги сифат фарқини аниқлайди. Деярли ҳар бир друзда ЁБМД бўлган кўзларнинг 97 фоизда фоторецептор қатламининг баландлиги соғлом кўзларга нисбатан ўртача 26,7% га камайди ($p<0,05$). Фоторецептор қатламининг қалинлиги друзнинг ўлчамига тесқари боғлиқ эди.

Друзнинг баландлиги ва тўр парданингнинг қалинлигининг пасайиши ўртасидаги регрессия коэффициенти мос равишда 0,32 ($p<0,05$) эди. 46% ҳолларда камида битта друз (260 кўздан 125 тасида) устидан фоторецепторларнинг ташқи сегментлари йўқолган. Бу фоторецепторларнинг морфологик бузилиши ёки интерфейсни ифодаловчи гиперрефлектор чизикнинг йўқолиши билан боғлиқ (2-жадвалга қаранг).

Дастлабки атрофик ЁБМД билан оғриган беморларда друз устидаги фоторецептор қатламининг юпқалашиши билан бир қаторда, 23% да (260 кўздан 60 тасида) друз юзаси устидаги ядро қатламида аниқ гиперрефлектор "шаффофлик" аниқланди. Бу друз юзаси устидаги фоторецепторларнинг ички қатламида акс эттирувчи кучайган фокусли, чекланган худудни, шунингдек друзнинг латерал чўзилганлигини англатади.

Кўтарилишлар катта друзларда (200 ёки ундан кўп микрон) аниқланган ва друзлар бўлмаган жойларда, шунингдек дастлабки гуруҳда қайд этилмаган. Ташқи ретикуляр қатламнинг ташқи зонасида друз устида бироз хиралашган бўлса-да, бошқа сифат ўзгаришлари топилмади. Тўр парданинг ички қатламларининг патологияси аниқланмади. Друзлар жойлашуви бундан мустасно.

Оптик когерент томографияси кўрсаткичларига кўра гуруҳлараро қиёсий таққослаш

ОКТ кўрсаткичлари		Гуруҳлар (М±δ)			
		ОКТ базасига киритилган нормал кўрсаткичлар	AREDS I	AREDS II	AREDS III
Беморлар сони/кўзлар			50/100	100/120	120/140
Minimum in fovea (nm)		246,86±6,59	252,72±14,33	259,93±10,1*#	260,1±16,93*#
Central sector (nm)		298,6±5,94	299,12±11,51	298,74±9,27	298,23±8,47
Area thickness (nm)		296,55±13,78	291,36±15,63	295,65±12,52	299,08±12,95*^
Volume (mm ³)		8,45±0,34	8,3±0,94	8,56±1,09	8,86±0,61*#^
Superior	externa	257,74±16,1	261,3±23,82	266,68±17,25	272,06±18,59*#^
	interna	237,4±12,72	236,88±16,34	241,93±13,21#	245,43±13,93*#
Medialis	externa	245,92±9,65	255,02±19,39	265,19±16,95*#	269,64±15,4*#^
	interna	235,47±14,91	237,22±17,13	243,14±13,01*#	247,76±15,11*#^
Inferior	externa	270,25±18,24	269,52±17,23	273,51±13,9	278,18±16,49*#^
	interna	247,78±6,72	244,38±15,98	249,82±13,31#	248,69±16,2
Lateralis	externa	232,25±13,11	234,44±22,2	239,58±14,49	240,08±21,43
	interna	221,2±8,47	218,1±10,04	223,1±8,29#	225,25±10,17#
Centralis		153,97±7,78	156,48±13,04	161,33±10,35*#	169,65±10,6*#^

Изоҳ: * - нормал кўрсаткичларга нисбатан статистик ишончли фарқлиниш $p < 0,05$;

- AREDS I гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фарқлиниш $p < 0,05$;

^ - AREDS II гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фарқлиниш $p < 0,05$.

Фоторецепторларнинг ташқи ва ички сегментларини электрофизиологик жиҳатдан ажратиб бўлмаслигига қарамай, турли хил друз билан олиб борилган тадқиқотларимиз марказий олти бурчакли мф-ЭРГ кўрсаткичларига кўра меъёрга нисбатан фовеада 40,5% га, парафовеада 23,2% ва парамакуляр ҳалқада 26,7 % амплитуданинг сезиларли даражада қисқаришини кўрсатди.

Электроретинограмма ёруғлик стимуляциясига жавобан тўр парда хужайра элементларининг биоэлектрик фаоллигидаги ўзгаришларнинг график кўринишидир. Электроретинограмманинг таркибий қисмларини талқин қилиш макуляр соҳанинг функционал ҳолатини тўғри баҳолашга ва тўр парда электрогенезнинг бузилган алоқа даражасини тавсифлашга имкон беради. Макула соҳасининг функционал ҳолатини баҳолаш учун тўр парданинг марказий макула худудидан макула маҳаллий ЭРГ қайд этилди. Тўр парданинг физиологик хусусиятларини ва фоторецептор тизимининг топографиясини ҳисобга олган ҳолда, биз Москва кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган усулдан фойдаландик (Гелмголтз, Говардовский В.И. 1989). Маълумки, макула соҳасида фоторецепторлар кўп миқдорни ташкил этганлиги сабабли қизил, яшил ва кўк рангли 30 Гц стимуллардан фойдаландик (таёқчасимон фоторецепторлар 20 Гц гача стимулга сезгир).

Тўлқинларнинг амплитудаси ($\mu\text{В}$) ва латентлик (мс) даги ўзгаришларда қайд этилди.

Электроретинографик тадқиқотлар 270 беморда (дастлабки 100 кўз, эрта 120 кўз ва оралиқ кўринишлари бўлган 140 кўзда) ўтказилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Гуруҳлараро қадахсимон фоторецепторларни учта асосий ранг бўйича электрогенез кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Толқин	ЭРГга киритилган нормал кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
				AREDS I	AREDS II	AREDS III	
мЭРГ қолбочкалар 30 Гц - макуляр хроматик ЭРГ	Амплитуда	Қизил (625 нм)	а	2,79±0,85	3,02±0,68	2,92±0,62	2,9±0,72
			б	15,35±5,21	16,53±3,35	16,31±3,52	16,34±3,61
		Яшил (520 нм)	а	3,81±0,75	3,88±0,78	3,83±0,82	4,05±0,73 [^]
			б	32,1±6,71	32,62±4,38	32±4,66	32,27±4,55
		Кўк (440 нм)	а	5,02±1,31	5,29±1,14	5,84±1,59 [#]	6,7±1,46 ^{*#^}
			б	57,71±10,13	59,65±10,3	70,66±9,23 ^{*#}	78,47±8,71 ^{*#^}
	Латентлик	Қизил (625 нм)	а	25,35±6,45	27,38±1,48 [*]	27,51±1,35 [*]	27,18±1,72 [*]
			б	58,95±10,82	58,86±2,64	58,55±3,01	58,22±2,75
		Яшил (520 нм)	а	26,35±4,08	27,78±2,23	27,94±2,52 [*]	27,86±2,11 [*]
			б	63,25±8,18	61,95±2,49	62,31±5,05	61,56±3,1
		Кўк (440 нм)	а	33,89±5,85	36,96±2,11 [*]	40,82±2,69 ^{*#}	46,23±2,32 ^{*#^}
			б	80,77±10,03	87,37±6,07 [*]	91,31±6,78 ^{*#}	99,44±4,65 ^{*#^}
	Фликкер 20 Нз ЭРГ						
	Амплитуда, $\mu\text{В}$			30,89±9,56	29,82±8,01	31,08±7,44	34,23±6,56 ^{#^}
Латентлик, мс			13,19±3,15	14,87±1,85 [*]	15,49±1,95 [*]	17,31±1,64 ^{*#^}	

Изох: * - амалий соғ'ломлар кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фаркланиш $p < 0,05$; # - AREDS I гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фаркланиш $p < 0,05$; ^ - AREDS II гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли фаркланиш $p < 0,05$.

Маҳаллий ЭРГ маълумотларига кўра (4 – жадвалга қаранг) марказий тўр парданинг (мЭРГ) функционал ҳолатини акс эттирувчи биопотенциалларнинг пасайиши, хатто юқори кўриш ўткирлиги (0,6-1,0) бўлган, макула соҳасида друзлари мавжуд барча беморларда аниқланди. Шу билан бирга, ЁБМД нинг эксудатив бўлмаган шаклининг дастлабки ва эрта босқичларида биопатенциаллар меъёрий кўрсаткичларга яқинлиги қайд қилинди.

Касалликнинг оралиқ босқичида юмшоқ қўшилган дурузли беморларда биз томонимиздан топилган ритмик жавобларнинг сезиларли даражада пасайиши унинг ривожланиш хавфининг прогностик преклиник (функционал) белгисини кўрсатиши мумкин. Эксудатив бўлмаган шаклда ўчоқ атрофияси бўлган кўзларда, кўриш ўткирлиги 0,1-0,6 ни ташкил қилади, 50% ҳолларда а-тўлқинининг нормага нисбатан кечикиши ўзгарган ($p < 0,005$), бу ТПЭда фокал атрофик жараён туфайли фоторецепторларнинг дисфункцияси билан изоҳланади. Фовеа зонасида ТПЭ нинг географик атрофияси бўлган барча кўзларда мЭРГ а- ва б-тўлқинларининг амплитудасининг пасайиши кузатилди ($p < 0,005$). Қизил стимулга нисбатан касалликнинг дастлабки ва эрта

босқичида биопотенсилаларнинг мЭРГ кўрсаткичларида марказий ва парацентрал ҳалқаларда сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бу эса макула соҳасидаги нейронларнинг патологик ўзгаришлар бўлмаганини билдиради. 20 Гц частота билан рЭРГ ўтказилганда амплитуда мВ ларда камайди ($p < 0,001$), бу катта майдонда Мюллер хужайралар жавобнинг пасайишини ва тўр парда тизимидаги қадаҳсимон фоторецепторлар шикастланиш даражасини кўрсатди.

4 -жадвал

Нормал кўрсаткичларга нисбатан гуруҳлардаги ЭРГ натижаларининг ишончилиги жадвали

Кўрсаткичлар			Толқин	Гуруҳлар								
				AREDS I			AREDS II			AREDS III		
				т-стат.	т-крит.	п	т-стат.	т-крит.	р	т-стат.	т-крит.	р
МЭРГ колбочкалар 30 Гц - макуляр хроматик ЭРГ	Амплитуда	Қизил (625 нм)	а	-0,94	1,72	0,180	-0,546	1,746	0,296	-0,461	1,740	0,325
			б	-0,82	1,73	0,210	-0,690	1,746	0,250	-0,710	1,746	0,244
		Яшил (520 нм)	а	-0,29	1,71	0,387	-0,077	0,470	1,729	-1,163	1,734	0,130
			б	-0,28	1,73	0,390	0,054	1,746	0,479	-0,093	1,746	0,463
		Кўк (440 нм)	а	-0,72	1,72	0,238	-2,200	1,721	0,020	-4,609	1,729	0,000
			б	-0,65	0,26	1,714	-4,668	1,734	0,000	-7,593	1,740	0,000
	Латентлик	Қизил (625 нм)	а	-1,21	1,76	0,122	-1,292	1,761	0,109	-1,096	1,761	0,146
			б	0,03	1,75	0,488	0,145	1,761	0,444	0,262	1,761	0,399
		Яшил (520 нм)	а	-1,30	1,74	0,105	0,082	1,746	0,163	-1,407	1,753	0,090
			б	0,61	1,75	0,275	0,437	0,334	1,746	0,794	1,753	0,220
		Кўк (440 нм)	а	-1,99	1,75	0,032	-4,513	1,753	0,000	-8,083	1,753	0,000
			б	-2,42	1,74	0,014	-3,937	1,746	0,001	-7,111	1,753	0,000
Фликкер 20 Нз ЭРГ												
Амплитуда, мВ			0,39	1,72	0,350	-0,076	1,740	0,470	-1,316	1,746	0,103	
Латентлик, мс			-1,97	1,74	0,033	-2,748	1,746	0,007	-4,977	1,753	0,000	

Кўз туби офталмоскопиясида ЁБМД нинг дастлабки кўринишлари бўлган беморларда ягона кичик ҳажмдаги оқ-сарик рангли, чегаралари аниқ друзлар (22,2%), оз миқдордаги ўрта катталикдаги друзлар (28,3%), бир қанча йирик ҳажмдаги сарик рангли, чегаралари ноаниқ друзлар 37,8% ни ташкил этди. Офталмоскопик текширув натижалари дегенератив жараённинг босқичига, ҳамда ОКТ ва ЭРГ текширув натижаларига тўғри келди.

Диссертациянинг «Ёшга боғлиқ макула дегенерацияси ташхисотида “Makula vision test VR”нинг сезгирлигини баҳолаш ва мезонлар ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида ёшга боғлиқ макула дегенерацияси

мавжуд беморларни ташхислашда янги ишлаб чиқилган “Makula vision test VR” таъсирини ўрганиш ва бошқа анаъанавий қўлланилиб келаётган усулларнинг қиёсий таҳлил натижалари билан таққослаш, шунингдек, ушбу касаллик ташхисотида электрон дастурнинг самарадорлигини баҳолаш ва мезонлар ишлаб чиқишга бағишланган.

Биз тадқиқотимизнинг биринчи босқичида ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг дастлабки, эрта ва оралиқ босқичидаги беморларни клиник инструментал текширувлар асосида саралаб, амбулатор шароитда янги ишлаб чиқилган электрон дастур ва анъанавий усуллар ёрдамида икки катта гуруҳга бўлиб ўрганилди. **Аввало ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларни аниқлашда “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан сезгирлиги баҳоланди.**

Сезувчанлик кўрсаткичи қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$Se = \frac{TP}{TP + FN} \times 100\%$$

Se – сезувчанлик, *TP*- ҳақиқий ижобий натижа, *FP* – сохта ижобий натижа, *FN* – сохта салбий натижа, *TN* – ҳақиқий салбий натижа.


Шундай қилиб, назорат гуруҳда Головин-Сивцев жадвали бўйича стандарт кўриш ўткирлигини аниқлаш (визометрия) текшируви AREDS I гуруҳидаги 100 та кўзда Visus = 0.7-1.0 гача кўриш ўткирлиги бўйича диагностик сезгирлиги 100% муваффақиятли натижа кўрсатди. Асосий гуруҳида “Тасодифий E” жадвалига асосланган Снеллен шкалларида ифодаланувчи дастурнинг диагностик сезгирлиги 98.9 % ни ташкил этди.

AREDS II гуруҳида эса 120 кўзда Visus = 0.3-0.7 гача кўриш ўткирлиги бўйича диагностик сезгирлиги 100% ни кўрсатди. Асосий гуруҳида “Тасодифий E” жадвалига асосланган Снеллен шкалларида ифодаланувчи дастурнинг диагностик сезгирлиги 99.08 % ни кўрсатди. AREDS III гуруҳида эса 140 кўзда Visus = 0.1-0.3 гача кўриш ўткирлиги бўйича диагностик сезгирлиги 100% ни кўрсатди. Асосий гуруҳида “Тасодифий E” жадвалига асосланган Снеллен шкалларида ифодаланувчи дастурнинг диагностик сезгирлиги 99.21 % ни кўрсатди.

Тадқиқотимизда кўриш ўткирлигини текшириш бўйича клиник текширувнинг сезувчанлик қийматига кўра гуруҳларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Биз ишлаб чиққан усул орқали кўриш ўткирлигини аниқлаш “олтин стандарт” усул натижаларига мос келганини аниқладик (2-расмга қаранг). Тадқиқотимизда касалликнинг дастлабки, эрта ва оралиқ босқичларида юзага келадиган контраст сезувчанлигининг ўзгаришини гуруҳлар миқёсида ўргандик. Назорат гуруҳида ранг сезувчанлигини текшириш Пелли Робсон тестида амалга оширилди.

Бунга кўра касалликнинг дастлабки босқичидаги беморлар (AREDS 1) да 100 та кўз (100%) – “юқори даражада” сезувчанликни, касалликнинг эрта босқичидаги беморларда (AREDS 2) да 120 та кўздан 34 (28.3%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 86 (71,6%) тасида - “юқори даражада” сезувчанлик,

касалликнинг оралиқ босқичидаги беморларда (AREDS 3) да 140 та кўздан 16 (11,4%) тасида –“паст даражада” сезувчанлик, 72 (51,4%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 52 (37,1%) тасида - “юқори даражада” сезувчанлик аниқланди.



2-расм. Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда кўриш ўткирлигини аниқлаш бўйича “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан сезувчанлигини баҳолаш

Асосий гуруҳида эса касалликнинг дастлабки босқичидаги беморлар (AREDS 1) да 100 та кўздан 2 (2%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 98 (98%) – “юқори даражада” сезувчанликни, касалликнинг эрта босқичидаги беморларда (AREDS 2) да 120 та кўздан 48 (40%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 72 (60%) тасида - “юқори даражада” сезувчанлик, касалликнинг оралиқ босқичидаги беморларда (AREDS 3) да 140 та кўздан 32 (22,8%) тасида –“паст даражада” сезувчанлик, 86 (61,4%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 22 (15,7%) тасида - “юқори даражада” сезувчанлик қайд қилинди.

Касаллик кечишининг дастлабки, эрта ва оралиқ босқичларида марказий кўриш майдонида юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш мақсадида Амслер панжара тести ўтказдик. Бунга кўра назорат гуруҳида амбулатор шароитда Амслер панжара тестининг қоғозга туширилган шаклидан фойдаландик. Натижалар касалликнинг дастлабки босқичи (AREDS 1) билан саралаб олинган 100 та кўзда ва эрта босқичида (AREDS 2) 120 та кўзда ўзгаришлар кузатилмади. Касалликнинг оралиқ босқичида (AREDS 3) 140 та кўзда 6 тасида метаморфопсия, 4 тасида микропсия ва 130 тасида ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмади. Асосий гуруҳида рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер дастуридан фойдаланилди. Унинг натижалари таҳлиliga кўра касалликнинг дастлабки босқичида қора, қизил, кўк ранглар учун ўзгаришлар аниқланмади. Касалликнинг эрта босқичида 120 та кўздан қора чизиқли панжарада 5 кўзда, кўк чизиқли панжарада 7 кўзда микропсия, қора чизиқли панжарада 10 кўзда, кўк чизиқли панжарада 65 кўзда, яшил чизиқли панжарада 2 кўзда метаморфопсия кузатилди. Касалликнинг оралиқ босқичида қора чизиқли панжарада 18 кўзда, кўк чизиқли панжарада 15 кўзда, яшил чизиқли панжарада 8 кўзда микропсия, қора чизиқли панжарада 86 кўзда, кўк чизиқли панжарада 110 кўзда, яшил чизиқли панжарада 18 кўзда микропсия, қизил

чизикли панжарада 2 кўзда метоморфопсия, қора чизикли панжарада 4 кўзда, кўк чизикли панжарада 9 кўзда, яшил чизикли панжарада 2 кўзда микропсия скотомалар аниқланди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда марказий кўришдаги ўзгаришларни аниқлаш бўйича “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан сезгирлигини баҳолаш

Гуруҳлар	Визуал натижалар	Ранг	AREDS 1	AREDS 2	AREDS 3
			Кўзлар сони n=		
Назорат гуруҳи Амслер тести	Ўзгаришсиз	Қора	100	120	130
	Микропсия		0	0	4
	Метаморфопсия		0	0	6
	Скотома		0	0	0
Асосий гуруҳ Рангли чизикли 3D Амслер тести	Ўзгаришсиз	Қора	100	105	32
		Қизил	100	120	138
		Яшил	100	118	112
		Кўк	98	48	6
	Микропсия	Қора	0	5	18
		Қизил	0	0	0
		Яшил	0	0	8
		Кўк	0	7	15
	Метаморфопсия	Қора	0	10	86
		Қизил	0	0	2
		Яшил	0	2	18
		Кўк	2	65	110
	Скотома	Қора	0	0	4
		Қизил	0	0	0
		Яшил	0	0	2
		Кўк	0	0	9

Шундай қилиб, текширув таҳлилларидан кўриниб турибдики асосий гуруҳидаги рангли чизикларга асосланган Амслер панжараси, анъанавий турига қараганда 96,7% сезувчанликга эга экан. Бу кўрсаткичлар касалликнинг субклиник ўзгаришларини ифодаловчи инструментал текширувлардан мЭРГ ва ОКТ маълумотларига корреляцион боғлиқликка эгаллигини кузатдик.

Сўнгра ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларни аниқлашда “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ўзига хослигини баҳоладик.


Ўзига хослик - бу касаллик (ҳолат) бўлмаган барча одамлар орасида салбий синовдан ўтганлар нисбати. Бу касаллик бўлмаган одамларни тест тўғри аниқлаш эҳтимоли ўлчовидир. Клиникада юқори ўзига хосликка эга бўлган тест ижобий натижа бўлган тақдирда ташхис қўйиш учун фойдалидир. Биз тадқиқотларимизда ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг дастлабки, эрта ва оралик босқичларини ташхислашда асосий ҳисобланган текширув усулларининг ўзига хослик кўрсаткичларини бирма-бир алоҳида баҳолаб чиқдик. Ўзига хослик кўрсаткичи қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$Sp = \frac{TN}{TN + FP} \times 100\%$$

Sp – ўзига хослик, *TP*- ҳақиқий ижобий натижа, *FP* – сохта ижобий натижа, *FN* – сохта салбий натижа, *TN* – ҳақиқий салбий натижа.

Шундай қилиб, назорат гуруҳда Головин-Сивцев жадвали бўйича сатандарт кўриш ўткирлигини аниқлаш (визометрия) текшируви AREDS I гуруҳидаги 100 та кўзда Visus = 0.7-1.0 гача кўриш ўткирлиги бўйича диагностик ўзига хослик 100% ижобий натижа кўрсатди. Асосий гуруҳда “Тасодифий Е” жадвалига асосланган Снеллен шкалларида ифодаланувчи дастурнинг диагностик ўзига хослик 100 % ни ташкил этди. AREDS II гуруҳида эса 120 кўзда Visus = 0.3-0.7 гача кўриш ўткирлиги бўйича диагностик ўзига хослик 100% ни кўрсатди. Асосий гуруҳда “Тасодифий Е” жадвалига асосланган Снеллен шкалларида ифодаланувчи дастурнинг диагностик ўзига хослик 100 % ни кўрсатди. AREDS III гуруҳида эса 140 кўзда Visus = 0.1-0.3 гача кўриш ўткирлиги бўйича диагностик ўзига хослик 100% ни кўрсатди. Асосий гуруҳда “Тасодифий Е” жадвалига асосланган Снеллен шкалларида ифодаланувчи дастурнинг диагностик ўзига хослик 100 % ни кўрсатди.

Тадқиқотимизда кўриш ўткирлигини текшириш бўйича клиник текширувнинг ўзига хослик қийматига кўра гуруҳларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Биз ишлаб чиқан усул орқали кўриш ўткирлигини аниқлаш “олтин стандарт” усул натижаларига мос келганини аниқладик. Қуйидаги 3-расмда ифодланади:



3-расм. Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда кўриш ўткирлигини аниқлаш бўйича “Macula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ўзига хослигини баҳолаш

Тадқиқотимизда касалликнинг дастлабки, эрта ва оралик босқичларида юзага келадиган контраст сезувчанлигининг ўзгаришини гуруҳлар миқёсида ўргандик. Назорат гуруҳида ранг сезувчанлигини текшириш Пелли Робсон тестида амалга оширилди. Бунга кўра касалликнинг дастлабки босқичидаги беморлар (AREDS 1) да 100 та кўз (100%) – “юқори даражада” ўзига хосликни, AREDS 2 да 120 та кўздан 34 (28.3%) тасида – “ўрта даражада” ўзига хослик,

86 (71,6%) тасида - “юқори даражада” ўзига хослик, AREDS 3 да 140 та кўздан 16 (11,4%) тасида – “паст даражада” ўзига хослик, 72 (51,4%) тасида – “ўрта даражада” ўзига хослик, 52 (37,1%) тасида - “юқори даражада” ўзига хослик аниқланди. Асосий гуруҳда эса касалликнинг дастлабки босқичидаги беморлар (AREDS 1) да 100 та кўздан 2 (2%) тасида – “ўрта даражада” ўзига хослик, 98 (98%) – “юқори даражада” ўзига хосликни, AREDS 2 да 120 та кўздан 48 (40%) тасида – “ўрта даражада” ўзига хослик, 72 (60%) тасида - “юқори даражада” ўзига хослик, AREDS 3 да 140 та кўздан 32 (22,8%) тасида – “паст даражада” ўзига хослик, 86 (61,4%) тасида – “ўрта даражада” ўзига хослик, 22 (15,7%) тасида - “юқори даражада” ўзига хослик қайд қилинди. Ушбу натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳидаги контраст сезувчанликнинг текшириш усули, назорат гуруҳидаги анаъанавий усулга нисбатан ўзига хосликнинг юқорилиги кузатилди.

Касаллик кечишининг дастлабки, эрта ва оралиқ босқичларида марказий кўриш майдонида юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш мақсадида Амслер панжара тестининг қоғозга туширилган шаклидан фойдаландик. Натижалар AREDS 1 билан саралаб олинган 100 та кўзда ва AREDS 2 да 120 та кўзда ўзгаришлар кузатилмади. AREDS 3 да 140 та кўзда 6 тасида метаморфопсия, 4 тасида микропсия ва 130 тасида ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмади.

Асосий гуруҳ учун рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер дастуридан фойдаланилди. Унинг натижалари таҳлиliga кўра касалликнинг дастлабки босқичида қора, қизил, кўк ранглар учун ўзгаришлар аниқланмади. Касалликнинг эрта босқичида 120 та кўздан қора чизиқли панжарада 5 кўзда, кўк чизиқли панжарада 7 кўзда микропсия, қора чизиқли панжарада 10 кўзда, кўк чизиқли панжарада 65 кўзда, яшил чизиқли панжарада 2 кўзда метаморфопсия кузатилди (6-жадвалга қаранг).

Касалликнинг оралиқ босқичида қора чизиқли панжарада 18 кўзда, кўк чизиқли панжарада 15 кўзда, яшил чизиқли панжарада 8 кўзда микропсия, қора чизиқли панжарада 86 кўзда, кўк чизиқли панжарада 110 кўзда, яшил чизиқли панжарада 18 кўзда микропсия, қизил чизиқли панжарада 2 кўзда метоморфопсия, қора чизиқли панжарада 4 кўзда, кўк чизиқли панжарада 9 кўзда, яшил чизиқли панжарада 2 кўзда микропсия скотомалар аниқланди.

Шундай қилиб, текширув таҳлиларида кўриниб турибдики назорат гуруҳидаги рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер панжараси, анъанавий турига қараганда 100% ўзига хосликга эга экан. Бу кўрсаткичлар касалликнинг субклиник ўзгаришларини ифодаловчи инструментал текширувлардан мЭРГ ва ОКТ маълумотларига коррелацион боғлиқликга эгаллигини кузатдик.

Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда марказий кўришдаги ўзгаришларни аниқлаш бўйича “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ўзига хосликни баҳолаш

Гуруҳлар	Визуал натижалар	Ранг	AREDS 1	AREDS 2	AREDS 3
			Кўзлар сони n=		
Назорат гуруҳи Амслер тести	Ўзгаришсиз	Қора	100	120	130
	Микропсия		0	0	4
	Метаморфопсия		0	0	6
	Скатома		0	0	0
Асосий гуруҳ Рангли чизиқли 3D Амслер тести	Ўзгаришсиз	Қора	100	105	32
		Қизил	100	120	138
		Яшил	100	118	112
		Кўк	98	48	6
	Микропсия	Қора	0	5	18
		Қизил	0	0	0
		Яшил	0	0	8
		Кўк	0	7	15
	Метаморфопсия	Қора	0	10	86
		Қизил	0	0	2
		Яшил	0	2	18
		Кўк	2	65	110
	Скотома	Қора	0	0	4
		Қизил	0	0	0
		Яшил	0	0	2
		Кўк	0	0	9

Сўнгра ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларни аниқлашда “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ишончлилигини баҳоладик.

Синовнинг диагностик кўрсаткичи ёки аниқлиги беморни тўғри таснифлашнинг умумий эҳтимоли тўғри натижа берадиган барча тестларнинг нисбати билан аниқланади.

Биз ишлаб чиққан моделнинг диагностик ишончлилик қийматини баҳолаш учун ушбу формуладан фойдаландик:

$$Ac = \frac{TP + TN}{TP + TN + FP + FN} \times 100\%$$


Ac – ишончлилик қиймати, *TP*- ҳақиқий ижобий натижа, *FP* – сохта ижобий натижа, *FN* – сохта салбий натижа, *TN* – ҳақиқий салбий натижа.

Шундай қилиб, касалликнинг дастлабки босқичи бўйича визометрик кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда 98% ни ташкил қилди (7-жадвалга қаранг).

Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда кўриш ўткирлигини аниқлаш бўйича “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ишончилигини баҳолаш

Гуруҳлар	Висус	AREDS 1					AREDS 2					AREDS 3				
		TP	FP	FN	TN	Ac (%)	TP	FP	FN	TN	Ac (%)	TP	FP	FN	TN	Ac (%)
Назорат гуруҳ (Головин Сивцев жадвали)	0.1-0.3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	140	0	0	0	100
	0.3-0.7	-	-	-	-	-	120	0	0	0	100	-	-	-	-	-
	0.7-1.0	100	0	0	0	100	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Асосий гуруҳ (“Тасодифий Е” жадвали)	0.1-0.3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	126	1	1	12	99
	0.3-0.7	-	-	-	-	-	108	1	1	10	98	-	-	-	-	-
	0.7-1.0	92	1	1	6	98	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Касалликнинг эрта босқичидаги беморларни текшириш мобайнида назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда ишончилик қиймати 98% га тенг бўлди. Сўнги, касалликнинг оралик босқичига кўра ишончилик қиймати назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда 99% ни қайд этди. Тадқиқотимизда кўриш ўткирлигини текшириш бўйича клиник текширувнинг ишончилик қийматига кўра гуруҳларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Биз ишлаб чиққан усул орқали кўриш ўткирлигини аниқлаш “олтин стандарт” усул натижаларига мос келганини аниқладик. Қуйидаги 4.3-диаграммада ифоданади:



4-расм. Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда кўриш ўткирлигини аниқлаш бўйича “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ишончилигини баҳолаш

Тадқиқотимизда касалликнинг дастлабки, эрта ва оралиқ босқичларида юзага келадиган контраст сезувчанлигининг ўзгаришини гуруҳлар миқёсида ўргандик. Назорат гуруҳида ранг сезувчанлигини текшириш Пелли Робсн тестида амалга оширилди. Бунга кўра касалликнинг дастлабки босқичидаги беморлар (AREDS 1) да 100 та кўз (100%) – “юқори даражада” сезувчанликни, касалликнинг эрта босқичидаги беморларда (AREDS 2) да 120 та кўздан 34 (28.3%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанликни, 86 (71,6%) тасида - “юқори даражада” сезувчанликни, касалликнинг оралиқ босқичидаги беморларда (AREDS 3) да 140 та кўздан 16 (11,4%) тасида – “паст даражада” сезувчанликни, 72 (51.4%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанликни, 52 (37,1%) тасида - “юқори даражада” сезувчанликни аниқланди.

Асосий гуруҳида эса касалликнинг дастлабки босқичидаги беморлар (AREDS 1) да 100 та кўздан 2 (2%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 98 (98%) – “юқори даражада” сезувчанликни, касалликнинг эрта босқичидаги беморларда (AREDS 2) да 120 та кўздан 48 (40%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 72 (60%) тасида - “юқори даражада” сезувчанлик, касалликнинг оралиқ босқичидаги беморларда (AREDS 3) да 140 та кўздан 32 (22,8%) тасида – “паст даражада” сезувчанлик, 86 (61.4%) тасида – “ўрта даражада” сезувчанлик, 22 (15,7%) тасида - “юқори даражада” сезувчанлик қайд қилинди (8-жадвалга қаранг).

Тадқиқотимиздан шуни кўрдикки контраст сезувчанлик ишончилилик қиймати, назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда 98,7% ни ташки этди.

Қоғозга туширилган Амслер панжара тести натижалари AREDS 1 билан саралаб олинган 100 та кўзда ва AREDS 2 да 120 та кўзда ўзгаришлар кузатилмади. AREDS 3 да 140 та кўзда 6 тасида метаморфопсия, 4 тасида микропсия ва 130 тасида ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмади.

8-жадвал

Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда контраст ўзига хосликни аниқлаш бўйича “Makula vision test VR” нинг анъанавий усулларга нисбатан ўзига хосликни баҳолаш

Гуруҳлар	Контраст сезувчанлик	AREDS 1					AREDS 2					AREDS 3				
		TP	FP	FN	TN	Ac (%)	TP	FP	FN	TN	Ac (%)	TP	FP	FN	TN	Ac (%)
Назорат гуруҳи (Пелли Робсн жадвали)	Паст даражада	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	140	0	0	0	100
	Ўрта даражада	-	-	-	-	-	120	0	0	0	100	-	-	-	-	-
	Юқори даражада	100	0	0	0	100	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Асосий гуруҳ (“Тасодифий Е” контраст жадвали)	Паст даражада	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	126	1	1	12	99
	Ўрта даражада	-	-	-	-	-	108	1	1	10	98	-	-	-	-	-
	Юқори даражада	92	1	1	6	98	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Асосий гуруҳ учун рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер дастуридан фойдаланилди. Унинг натижалари таҳлиliga кўра касалликнинг дастлабки босқичида қора, қизил, кўк ранглар учун ўзгаришлар аниқланмади. Касалликнинг эрта босқичида 120 та кўздан қора чизиқли панжарада 5 кўзда, кўк чизиқли панжарада 7 кўзда микропсия, қора чизиқли панжарада 10 кўзда, кўк чизиқли панжарада 65 кўзда, яшил чизиқли панжарада 2 кўзда метаморфозия кузатилди.

Касалликнинг оралиқ босқичида қора чизиқли панжарада 18 кўзда, кўк чизиқли панжарада 15 кўзда, яшил чизиқли панжарада 8 кўзда микропсия, қора чизиқли панжарада 86 кўзда, кўк чизиқли панжарада 110 кўзда, яшил чизиқли панжарада 18 кўзда микропсия, қизил чизиқли панжарада 2 кўзда метоморфозия, қора чизиқли панжарада 4 кўзда, кўк чизиқли панжарада 9 кўзда, яшил чизиқли панжарада 2 кўзда микропсия скотомалар аниқланди.

Шундай қилиб, текширув таҳлиларида кўриниб турибдики асосий гуруҳдаги рангли чизиқларга асосланган 3D Амслер панжараси, анъанавий турига қараганда 99% ишончлиликга эга экан. Бу кўрсаткичлар касалликнинг субклиник ўзгаришларини ифодаловчи инструментал текширувлардан мЭРГ ва ОКТ маълумотларига корреляцион боғлиқликга эгаллигини кузатдик.

Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморлар диагностикасида “Makula vision test VR” нинг натижалари асосида мезонларни аниқладик.

Тадқиқотимиз натижаларини таҳлиliga кўра 270 нафар дастлабки, эрта ва оралиқ босқичдаги ЁБМД ли беморлар текширувдан ўтказилди улар меёрий кўрсаткичлар билан қиёсий солиштирилди. Визуал ўзгаришларни текшириш орқали “Makula vision test VR” электрон дастур ёрдамида 353 кўзда (98%) турли босқичдаги ЁБМД аниқланди: дастлабки босқич – 110 кўзда (31,16%), эрта босқич - 112 (31,7 %) ва оралиқ босқич 131 (37,1 %) кўзда аниқланди. Жинслар тафовути бўйича фарқланиш 10-жадвалга акс эттирилди.

Шундай қилиб, электрон дастур ёрдамида биз ЁБМД билан 353 коз (98%) аниқладик. Эркаклар орасида ЁБМД 29,2% да, аёлларда 70,7% да аниқланган, фарқ икки баробарга катта эди ($p > 0,05$). Гендер хавф омилининг борлиги бизнинг тадқиқотимизни бошқа муаллифлар фикрига кўра аёл жинсини ЁБМД кўпроқ учрашини тасдиқлайди.

9-жадвал

Текширилаётган шахсларнинг жинси ва ЁБМД босқичига қараб маълумотлари

ЁБМД босқичи	Жинслар		Жами
	Эркаклар	Аёллар	
ЁБМД дастлабки босқич	16 (5,92%)	34 (12,6%)	50 (18,5%)
ЁБМД эрта босқичи	26 (9,6%)	74 (27,4%)	100 (37%)
ЁБМД оралиқ босқич	37 (13,7%)	83 (30,7%)	120 (44,4%)
Жами	79 (29,25%)	191 (70,74%)	270 (100%)

Бундан ташқари, электрон дастур АМДни аниқлашга ёрдам берадиган визуал кўришга оид шикоятлар бор ёки йўқлиги ҳақида саволларни таклиф қилади.

Шундай қилиб, марказий коррекцияланмаган узоқни кўриш ўткирлиги тест натижалари синов яқунлангандан сўнг Снеллен шкаласи асосида ҳар бир кўз учун ва бинокуляр ҳолда 0,05 дан 1,0 га қадар ифодаланади.

Сўнг дастур кейинги синов, марказий кўриш ўткирлиги билан боғлиқ контраст сезувчанликни текшириш тестига ўтади. У ерда ҳам ҳар бир кўз учун алоҳида ифодаланган 25 % дан 100 % гача контрастда ифодаланган оптотиплар келтирилади.

Ниҳоят дастур автоматик равишда рангли чизиқлар билан ифодаланувчи Амслер панжараси ёрдамида марказий кўришдаги визуал патологик ўзгаришларни текшириш синовига ўтади. Бу ерда қора, қизил, яшил, кўк ранглар ва уларнинг контрастларида ифодаланувчи 3D Амслер панжараси ҳар бир кўз учун алоҳида тасвирланади.

Ҳар бир синов ЁБМД пайдо бўлиш ва тўр парда макуласида юзага келадиган субклиник ўзгаришларни ифодалашда аҳамиятли ҳисобланади. Дастур жавоб берувчидан белгиланган жавобларга кўра натижаларни автоматик равишда ҳисоблаб чиқади, сўнгра ЁБМД касаллик кечишни визуал ўзгаришлар асосида ҳисоблаб: паст хавф, ўртача хавф, юқори хавф даражаларига ажратиб, сўнгра натижаларни ўз-ўзини текширишни ўтказган шахсга тақдим этади. Муайян хавф гуруҳига кўра бутун маълумотлар диапазони тўртта кичик диапазонда ифодаланади: "Эҳтимоллик йўқ", "Эҳтимоли энг кам", "Эҳтимоли ўртача", "Эҳтимоллиги кўп".

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки кам эҳтимоллик оралиғидаги ёки ўрта эҳтимоллик диапазонидаги шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларининг диққат марказида бўлиши керак, чунки улар ЁБМД ривожланиши эҳтимоли юқори бўлади. "Эҳтимоллиги кўп" бўлган диапазондаги шахслар касалликнинг ривожланиши тўр пардада суб клиник жараёнлар кечаётганини билдириши мумкин.

Айнан шу ҳолатда профилактика чораларининг бутун мажмуасини кенг қўллаш керак, айниқса эҳтиёткорлик билан диспансер кузатуви зарур, чунки вақт ўтиши билан ЁБМД ни ташкил этувчи омиллар ва унинг динамикасига таъсир қилувчи омилларнинг доимий таъсири остида ушбу контингент марказий кўришни йўқотиш учун барча хатарларга эга.

10-жадвал

Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморлар диагностикасида “Macula vision test VR” нинг натижалари асосида мезонларни аниқлаш

Визуал натижалар		“Эҳтимоли кам”	“Эҳтимоли ўртача”	“Эҳтимоли кўп”
<i>Визометрия</i>	<i>0.1-0.3</i>			+
	<i>0.4-0.6</i>		+	
	<i>0.7-1.0</i>	+		

Контраст сезувчанлик	Паст даражада				+
	Ўрта даражада			+	
	Юқори даражада		+		
3D Амслер панжара тести	Ўзгаришсиз	Қора			
		Қизил			
		Яшил			
		Кўк			
	Микропсия	Қора			
		Қизил			
		Яшил			
		Кўк			+
	Метаморфозия	Қора		+	+
		Қизил			
		Яшил			+
		Кўк	+	+	+
	Скотома	Қора			+
		Қизил			
		Яшил			+
		Кўк			+

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ушбу дастурдан фойдаланиш касалликнинг дастлабки, эрта ва оралик босқичларида юзага келадиган субклиник ўзгаришларни визуал баҳолаш имконини берди. Амбулатор шароитда амалга ошириладиган анамнестик маълумотлар ҳамда, визометрия, контраст сезувчанликни текшириш ва офталмоскопия текширувлари каби анъанавий усулларга нисбатан биз ишлаб чиққан усул касаллик босқичларини эрта аниқлашда ўзига хослиги бўйича 100%, сезувчанлик бўйича 98.2%, ишончлилик даражасига кўра 99% ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган VR қурилмага асосланган электрон дастур катта миқдорда ишлатилиши мумкин, тиббий муассасаларга ташриф буюриш учун вақт ва иқтисодий харажатларни талаб қилмайди, самарали, чунки у ЁБМД касаллигининг дастлабки, эрта ва оралик босқичларида юзага келадиган визуал ўзгаришларни аниқлаш имконини беради, статистик таҳлил учун касалликнинг визуал ўзгаришлардаги динамик кечиши ҳақидаги маълумотларни тақдим этади. Электрон дастур ранг сезгирлиги ва контраст сезгирлигидан фойдаланган ҳолда ЁБМДни эрта аниқлаш ва олдини олишда амбулатор шароитда текширишнинг самарали усулларида биридир. Усул амбулатор шароитда ЁБМД ривожланиш босқичларини текшириш ва динамикада ўзгаришлар мажмуасини шакиллантириш имкониятини беради. Натижада бу мамлакатимизда айнан шу касаллик натижасида юзага келадиган эрта меҳнатга лаёқатизликни олдини олади.

ХУЛОСАЛАР

«Ёшга боғлиқ макуляр дегенерациясининг эрта диагностикасида ранг сезгирлиги ва контраст сезгирлигини ўрганиш учун компютерлаштирилган усул самарадорлигини баҳолаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг эрта диагностикасида ноинвазив усуллардан оптик когерент томография ва маҳаллий ЭРГ тўр парданинг дистрофик соҳасининг микроструктуравий тузилишини ҳамда ранг ва контраст сезгирлигидаги визуал ўзгаришлар сабабини баҳолаш имконини берди.

2. Ёшга боғлиқ макула дегенерациясининг дастлабки босқичларида ранг ва контраст сезгирлиги бўйича деярли ўзгаришлар кузатилмади, аммо касалликнинг эрта ва оралик босқичларида меёрга нисбатан контраст сезувчанлик друс ҳажми ва жойлашган жойига кўра 26.7 % га камайди, ранг сезгирлигига кўра эрта босқичида 12.5 % микдорда қора ва 60 % га кўк ранг сезиш сусайди, оралик босқичида 86 % кўк, 70 % қора, 7,69 % яшил ранглари сезиш пасайди.

3. Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда визуал ўзгаришларни амбулатор шароитда эрта аниқлаш имконини берувчи “Macula vision test VR” алтернатив усуллар визометрия, контраст сезувчанлик ва Амслер панжара тестига кўра сезгирлиги 98,7 % ни, ўзига хослиги 100 % ни ва ишончилиги 98,9 % ни ташкил этди.

4. Ёшга боғлиқ макула дегенерацияли беморларда визуал ўзгаришларни амбулатор шароитда эрта аниқлаш имконини берувчи “Macula vision test VR” алтернатив усуллар визометрия, контраст сезувчанлик ва рангли чизиқли Амслер панжара тестига кўра ишлаб чиқилган мезон натижалари, макуладаги касалликга хос субклиник ўзгаришларга ишончли даражада мос келишини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ МИКРОХИРУРГИИ ГЛАЗА**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР МИКРОХИРУРГИИ
ГЛАЗА**

ЗИЁВИДДИНОВ МУХИДДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ

**ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ КОМПЬЮТЕРИЗИРОВАННОГО
МЕТОДА ИЗУЧЕНИЯ ЦВЕТОВОЙ И КОНТРАСТНОЙ
ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ В РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ ВОЗРАСТНОЙ
МАКУЛОДИСТРОФИИ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/Tib1673.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре микрохирургии глаза.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета (www.eyecenter.uz), Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) и Национального агентства Узбекистана (www.uza.uz).

Научный руководитель:	Юсупов Азамат Фархадович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ўнер Гелискен доктор медицинских наук, профессор (Турецкая Республика)
	Закирхўджаев Рустам Асралович доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Уфимский НИИ глазных болезней (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2024 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре микрохирургии глаза (Адрес: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, 14. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра микрохирургии глаза (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, 14. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2024 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2024 года)

М. Х. Каримова
Заместитель председателя научного
совета по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Ш. А. Джамалова
Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

М. С. Касимова
Заместитель председателя научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), на сегодняшний день возрастная макулярная дегенерация является одной из ведущих причин потери зрения у населения старше 65 лет, с частотой заболеваемости до 21% в трудоспособном возрасте и до 32% в пенсионном возрасте. По результатам, полученным рядом ученых, «...последствиями снижения остроты зрения у пожилых людей являюся повышенный риск возникновения депрессии, неспособность выполнять повседневную деятельность, необходимость длительного ухода, число таких случаев с возрастом увеличивается в геометрической прогрессии...»¹. Эпидемиологический аспект проблемы связан с значительным ростом этой патологии в мире за последнее десятилетие, увеличением заболеваемости, стоимостью лечения пациентов и экономическим ущербом, наносимым инвалидностью из-за потери зрения, вызванной заболеванием. Эти факторы являются одними из актуальных проблем системы здравоохранения многих стран. Одним из основных подходов к снижению стоимости медицинской помощи пациентам с возрастной макулодистрофией является разработка тест-систем для скрининга, позволяющих выявить пациентов, находящихся в группе высокого риска развития заболевания. Актуальными задачами являются организация первичной профилактики, профилактического лечения, диспансерного наблюдения, улучшение прогноза сохранения зрения у больных, а также разработка эффективных комплексных методов диагностики и лечения.

